

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 26 (10.583)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

- «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.
- Республика Давлат Болалар кутубхонасида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигига бағишланган анжуман ўтказилди.
- Навоий шахридаги «Нурчилар» тиббий-санитария қисми жамоаси учун Ҳомийлар ва шифокорлар йили кутлуг келди. Навоий вилоят «Маҳалла» жамғармаси томонидан уларга 1 миллион 140 минг сўмлик компьютер совға қилинди. Бу беморларга сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш учун кенг имконият яратмоқда.
- «Фаргонадонмахсулотлари» акциядорлик жамиятида тайёрланаётган ун махсулотлари инсон саломатлиги учун зарур дармондорилар билан бойитилмоқда. Витаминли ун айниқса аёллар ва болаларда учрайдиган камқонлик ҳасталигининг олдини олишда кўл келмоқда. Ўтган йили корхонада 8665 тоннадан ортиқ ана шундай шифобахш ун тайёрланди. Бу аввалги йилга қараганда 1073 тоннага кўпдир.
- Самарқанд вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳарбий қисмларда хизматни ўтаётган ёшлар, шунингдек, касб-хунар коллежлари ҳамда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик ишларини янада ривожлантириш мақсадида «Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган ёшлар ҳолидан хабар олиш, улар билан доимий равишда маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.
- Самарқанд, Қарши, Нукус, Урганч ва Фарғона шаҳарларида Тошкент Ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиаллари ташкил этилди. Жумладан, ўқув амалиёти, илмий-тадқиқотлар билан боғлиқ барча ишларни мустақил амалга оширишга тўғри келган Самарқанд филиалида талабалар ташаббуси билан «Ахборотлаштириш ва алоқа» ёшлар маркази ташкил этилди.
- «Ташаббус» кўрик-танлови энг яхши тадбиркор, фермер ва хунармандларнинг рағбатлантириш, шу орқали мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда жойларда танловнинг саралаш босқичлари давом этмоқда. Хусусан, келгуси ҳафтада Наманган вилоятида бўлиб ўтадиган «Ташаббус» кўрик-танловида ўнлаб иштирокчилар ўз иш натижаларини намойиш этадилар.

ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 7 ФЕВРАЛЬ КУНИ ОҚШОРОДА КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ НИКОЛАЙ БОРДЮЖАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу ташриф унинг Ўзбекистондаги ҳамкасблари билан ўзаро фикр алмашиши, Марказий Осиёдаги вазият билан яқиндан танишиши учун яхши имконият яратганини таъкидлади.

— Минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш кенг кўламли халқаро ҳамкорликни тақозо этмоқда. — деди Ислам Каримов.

Урашувда халқаро ва минтақавий миқёсдаги долзарб масалалар муҳокама этилди. Халқаро террорчилик, экстремизм, наркотик моддаларнинг

ноқонуний савдоси, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларнинг олдини олишда, хавф-хатарларни бартараф этишда ҳамжихатлик билан иш юритиш зарурлиги қайд этилди.

Н.Бордюжа Ўзбекистон раҳбарига ташкилот доирасида кечаётган жараёнлар, унинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида ахборот берди. Самимий қабул учун Президент Ислам Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Сўхбат чоғида минтақавий хавфсизликка, Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлигига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



СУРАТДА: ўтган йили Тошкент тўқимачилик ва энгил саноати институтида Германия ва Швейцариянинг «Shiafhivst», «Sauger Group» фирмаларининг гранти асосида замонавий йиғирув дастохлари билан таъминланган ўқув маркази очилган эди. Бугунги кунда бу маскан ёшларнинг сеvimли маконига айланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

САХОВАТПЕШАЛИК ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҚАЛБ ДАЪВАТИМИЗГА АЙЛАНДИ

КЕЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА «ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ» ДАСТУРИ ИЖРОСИ МАСАЛАЛАРИГА БАГИШЛАНГАН ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ШАҲАР ВА ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ ТУЗИЛМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ. ЙИГИЛИШНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ АБДУҚАҲҲОР ТЎХТАЕВ ОЛИБ БОРДИ.

Хар бир янги йилни маълум бир ном билан аташ, шубҳасиз, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолди. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов ташаббуси билан кенг қўл очиб ёзаётган ушбу анъана жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлаш, кўпчилигини ўйлантираётган долзарб муаммоларни ҳал қилишга асосланган. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар бир янги йил мавзусида тақрор ва тақрор давлатимиз сиёсатининг бош тамойили муҳасаб этилади. Зеро, инсон — буюк неъмат, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари — энг олий қадрият.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб ном олган 2006 йил олдинги йилларнинг мантқиқий давоми сифатида бошланди. Дарҳақиқат, анъанавий равишда шу муносабат билан ишлаб чиқилган махсус дастурда энг олижанон мақсадлар ёрқин ифодасини топган. Ҳомийлик — бу инсон қалби ва юрагиди эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси ҳисобланади. Бундай ҳолатни сўз билан ифодалаш қийин, чунки у фақат кишининг юрагидан чиқиб намоён бўлади. Ҳеч шубҳасиз, юраги ва қалби тоза, ўзгалар дардига камарбаста бўлиб яшашни ўзининг ҳаётий эътиқодида айланган одамнинг бундай савобли ишларга қодирдир. Ҳаммамизга яхши маълумки, бизнинг халқимиз нафақат узоқ тарихда, балки ҳозирги шиддатли даврда ҳам кўп мартаба

амалда шу хусусиятга доир ҳаракатларни намоён этмоқда. Қолаверса, шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳаётимизда том маънода олижанонликка йўрилган касблар ҳам борки, улар орасида шифокорлик — биринчилар қаторида туради.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида саховатпешалик ҳамда дунёда энг инсонпарвар ҳисобланган бу касб эгалари фаолиятининг ўзаро ҳамжихатлиги ўз аксини топган. Ушбу ҳужжатда аҳолининг ижтимоий ноқор қатламга аник моддий ёрдам кўрсатиш ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш, ҳомийликнинг мустаҳкам қафолатлиши ва ижтимоий нуктаи назардан кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий негизини шакллантириш, жамият ҳаётида тиббиёт ходими касбининг нуфузи ва унинг мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг замонавий моддий-техника негизини янада мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланиш каби йўналишлар йилнинг асосий вазифалари этиб белгиланган. Бу борада шунинг алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, тизимнинг моддий-техника негизини такомиллаштириш деганда биринчи навбатда тиббий хизматлар сифатини ошириш ва бу борада аҳолининг барча табақаларини қамраб олиш инобатга олинган.

Тошкент шаҳри бўйича ишлаб чиқилган

ҳудудий дастур ҳам айнан шу мақсад ва вазифаларни кўзлайди. Жумладан, унда ўсиб келаётган авлод масалалари, хусусан ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларнинг онгида меҳр-мурувват, саховат ва ҳиммат каби эзгу инсоний қасдларни юксалтиришга асосий эътибор қаратилган. Шунингдек, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга ғамхўрлик кўрсатишни кучайтириш зарурлиги ифода этилмоқда. Жорий йилдан бошлаб ҳар бир Меҳрибонлик уйи ва мактаб-интернатларга ҳудудий оилавий поликлиникалар бириктирилиб, бу борада қайд этилган муассасалар тарбияланувчиларига кўрсатилаётган тиббий хизматни ташкил этиш ва таъминлаш тизимини такомиллаштириш талаб этилади. Жорий йилда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини тиббий кўриқдан ўтказиш дастури давом эттирилди. Профилактик даволашни муҳтож бўлганлар учун Семашко номидаги тиббий реабилитация соғломлаштириш марказига 200 та йўлланма ажратилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, манзилли равишда, давлат ва тегишли жамоат тузилмалари назорати остида кам таъминланган ва кўл болали оилаларнинг 800 дан зиёд фарзандлари ҳам шу тиббий муассасада даволашни ҳуқуқига эга бўлади.

Пойтахт қасаба уюшмалари ҳам ҳомийлик ҳаракатида фаол иштирок этишни режалаштирган. Чунинчи, ушбу жамоат ташкилотини томонидан меҳнат ахли учун дам олиш уйлари ва бошқа сихаттоҳларга 4060 та имтиёз, шу жумладан 400 таси — кам таъминланган оилалар фарзандларининг ёш мавсумида дам олишини таъминлаш учун бепул йўлланма берилди.

(Давоми 2-бетда.)

ЖАҲОНДА

- XX қишки Олимпиада ўйинлари иштирокчилари учун Италия ҳукумати ва қурувчилар 3 та олимпия шаҳарчасини қуриб беришди. Кеча Турин, Сестриере ва Бардонеккада мазкур иншоотларнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.
- Кеча Ироқ пойтахти Бағдодда кетма-кет иккита портлаш амалга оширилди. Дастлабки маълумотларга кўра 10 га яқин киши ҳаётдан қўз юмган, бир неча ўнлаб кишилар тан жароҳатларини олган бўлиб, уларнинг беш нафари полициячилардир. Ушбу қабиҳ жиноятни террорчи-камикадзелар бозорлар атрофида амалга оширган.
- Челябинскдаги танкчилар билим юртида аскарлар ўртасидаги носоғлом муносабат орқали соғлигини йўқотган Андрей Сичев кеча шифо муолажаларини давом эттириш мақсадида Москвадаги Бурденко номидаги госпиталга келтирилди.
- Германиянинг жанубий қисмида жойлашган Баварияда қалин ёққан қорни кўтарма олмаган супермаркетнинг томи босиб қолди. Фақат бахтли тасодиф туфайлигина том савдо залидаги полкаларга илиниб қолди ва супермаркетдаги кишиларга ҳеч қандай зарар етмади.
- Кеча Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ҳар йили анъанавий тарзда юз минглаб кишилар иштирокида ўтказиладиган анъанавий карнавалнинг бош репетицияси бўлиб ўтди. Унда 14 та миллий самба рақси ансамблларининг аъзолари ўз маҳоратларини намойиш этишди.
- Японияда уяли телефонлар мулоқот воситаси бўлибгина қолмай, балки бошқа қатор юмушларни ҳам бажаришга хизмат қилаётган кулай мосламага айланганига анча бўлди. Яқиндан бошлаб японияликларнинг қўл телефонлари ҳамён вазифасини ҳам бажармоқда. Айтиш жоизки, ҳозир мамлакат аҳолиси ўртасида бундай телефонларга талаб жуда катта. «NTT DoCoMo», «Kiddi Corp» ҳамда «Vodafone K.K.» компаниялари томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳамён телефонларга махсус микроэлемантлар ўрнатилган бўлиб, улар касса аппаратидан ўтказилганда телефон эгасининг банк ҳисоб рақамидан кераклик миқдордаги маблағни «чегириб олиш» имконини беради.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 9 февраль кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундида 2-7 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-6 даража илқ, кундузи 4-16 даража илқ бўлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ БОШ ПРОКУРОР Р.ҚОДИРОВ БОШҚАРДИ.

ришда қонунбузилишларга йўл қўйган 122 минг мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Таъкидландики, прокуратура органлари томонидан фуқаролар, юридик шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб судларга 95 миллиард сўмликдан ортиқ 49 мингга яқин даъво аризалари киритилгани ҳолда, фуқаролик ва ҳўжалик судлари томонидан қаноатлантирилган даъво аризалари бўйича пул маблағларининг ундирилишида сусткашликка йўл қўйилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари фаолиятида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида камчиликлар мавжудлиги қайд этилди. Бу соҳадаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада кучайтириш юзасидан аник вазифалар қўйилди.

Мамлакатимиз Президентининг мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилишга оид Фармон ҳамда Қарори талабларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, мансабдор шахсларнинг суиистеъмолчиликлари юзасидан қатъий чоралар кўриш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш, уларга амалий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш иш-

ларида жиддий эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида кўрсатмалар берилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валюталар оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти томонидан бюджетга ҳисобланган қўшимча солиқ ва жарималарнинг 47 миллиард сўмдан ортиғи ундирилган. Валюта билан ноқонуний муомала қилиш ҳоллари юзасидан бирмунча ишлар қилинган. Бироқ бу соҳадаги жиноятларни аниқлаш, тезкор-қидирув имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш ишларида ҳамон камчиликлар борлиги танқид қилинди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини бирмунча камайишига эришилди. Аммо диний экстремизм ва терроризм кўринишларининг олдини олиш фаолиятини янада кучайтириш, бу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликни яхшилаш зарурлиги қайд қилин-

ди. Жиноятларни ҳисобдан яшириш каби салбий амалиётга кескин барҳам бериш чораларини кўриш топширилди.


Мажлисида суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини яхшилаш, тергов муддатларига қатъий риоя қилиш, эҳтиёт чораларини тўғри танлаш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасида қилинган ишлар таҳлил этилди. Прокуратура органлари томонидан ўтказилган тергов жараёнида жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг қарийб 61 миллиард сўми, 85 минг АҚШ доллари ва 70 минг евро ёки 73 фойиздан ортиғи ундирилгани эътироф этилди.

Прокуратура органларининг хизмат фаолиятида қонунбузилишларга йўл қўйган 567 нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилди ва 64 нафари прокуратура органларидан бўшатилади. Қадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, ходимларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин ошириш бўйича фаолиятини кучайтириш ҳақида кўрсатмалар берилди.


Бош прокуратура матбуот марказидан маълум қилинишича, мажлисда прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш жараёнида янада такомиллаштириш, янги ўқув дастурлари ва услубларни жорий қилиш ҳамда самарадорлигини ошириш юзасидан вазифалар қўйилган.

Ҳайъат мажлисида Бош прокурор томонидан барча прокурорлар олдида қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини тубдан яхшилаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича қатъий талаблар қўйилди.

ЎЗА



Келажакимиз умидлари — ёшларимиз кўзларидаги қувонч, шодлик ҳамда билимга чанқоқликни кўрган кишининг уларга ҳаваси ортади.



Туман Кенгашлари фаолиятидан Ёшларимизга таянч бўлмоқда

БУГУНГИ КУНДА КЎПЛАБ ЁШЛАРИМИЗГА ЎЗ ЁРДАМИНИ АЯМАЙ, УЛАРГА ҲАР БИР СОҲАДА КЎМАК БЕРИБ КЕЛАЁТГАН "КАМОЛОТ" ЁИҲ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТИШ ЖОИС.

Ҳозирда шахримизнинг ҳар бир туманида ушбу ташкилот бўлими Кенгашлари фаолият юритиб келмоқда. Айни пайтда "Камолот" ЁИҲ туман бўлими Кенгашларининг фаолияти билан яқинроқ танишиш, қилинаётган ишлар тўғрисида маълумот олиш мақсадида шахримизнинг энг ёш туманларидан саналган Бектемир туман бўлими Кенгаши раиси Илхом АЛИМОВ билан суҳбатда бўлдик.

— Аввало ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берсангиз.

— Бугунги кунда ҳаракат томонидан ёшларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўргатиш, мустақил тадбиркорлик билан шуғулланишлариغا ёрдамлаш мақсадида туманимизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи туман бўлими Кенгаши томонидан 28 нафар ишсиз ёшлар иш билан таъминланди, ҳамкорликда эса 34 нафари ишга жойлаштирилди. Шунингдек, 80 нафар йигит-қизлар компьютер курсларида бепул ўқитилди.

Туман бўлими Кенгаши, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бўлими, халқ таълими, мудофиа бўлими, "Маҳалла" жамағатининг туман бўлими билан биргаликда "Ишлаб топ!" лойиҳаси доирасида ишчи гуруҳи тузилди ва ёшларни ишга

жойлаштириш борасида мунтазам равишда учрашувлар ташкил қилинмоқда. Шунингдек, туманимиздаги тадбиркорликни энди бошлаган ёш тадбиркорлар Б.Аҳмедов ва О.Сиддиқовга хусусий фирма очишлари учун туман корхоналарини рўйхатга олиш инспекцияси орқали ёрдам кўрсатилди. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки тадбиркорликни энди бошламоқчи бўлган ва ишбилармонлик билан шуғулланаётган ёшлар учун Ўзбекистон Саъдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Бектемир тумани филиали қошидаги "Тадбиркор суянчи" шўба корхонаси билан ҳамкорликда "Бизнес ва маркетинг" бепул курслари ташкил этилди ва у бугунги кунда кенг фаолият юритмоқда.

— Спорт соҳаси ривожига жиддий эътибор берилган бўлса ҳам, бу борада қандай шарт-шароитлар яратилган?

— Спорт ва жисмоний тарбия ишларини ташкил қилиш мақсадида эътиборли ишлар амалга оширилмоқда. Тумандаги "Нихол" спорт мажмуасида 60 нафар бола иштирокида маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг волейбол ва теннис атлетика тури бўйича ўтказилган мусобақалар, 293-мактабда мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг мини футбол ва кураш турлари бўйича ташкил этилган турнирлар бунинг яққол исботидир. Шунинг-

дек, маҳалла болалари ўртасида "Кўча спорт ўйинлари" ташкил қилиниб, унга 1000 нафардан зиёд ёшлар жалб қилинганлиги ҳам уларнинг спортга ошно бўлишларида катта туртки бўлди деб ўйлайман. Бундан ташқари ўсмирлар ўртасида таниқли футболчи Геннадий Красницкий хотирасига бағишлаб халқаро футбол турнири ўтказилди ва унда бизнинг ёшлар билан бир қаторда Қозоғистон ва Тожикистон Республикаси ўсмирлари ҳам тўп суришди.

— Нафақат бизни, балки бутун дунёни ташвишга солаётган ёшлар ўртасида киноэтилик, гивандлик, СПИД/ОИТС муаммолари борки, буларнинг олдини олиш мақсадида туман Кенгаши томонидан нималар қилинмоқда?

— Вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида туман ички ишлар бўлимида ҳисобда турадиган ўсмирларнинг 22 нафари Зағирота туманидаги болалар колониясига экскурсияга олиб борилди. Бундан ташқари мунтазам равишда туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда мактабларда вояга етмаган ўсмирлар ўртасида учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Тумандаги ички ишлар бўлимида рўйхатда турадиган ўсмирларнинг жами 45 нафари Ички ишлар вазирлиги ички қўшунларига қарашли қисм ўқув масканига ташкил этилган "Ҳарбий спорт оромгоҳи"га олиб борилди. Ёшлар ўртасида гивандлик, ОИТСнинг олдини олиш мақсадида эса тумандаги 300 нафар мактаб ўқувчилари иштирокида "Гивандликнинг салбий оқибатлари" мавзусида йиғилишлар ўтказилди ва бунда ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш этилди. Бу борада Халқаро гивандликка қарши кураш кунига бағишлаб

ЖОРИЙ ЎҚУВ ЙИЛИДАН, «КАМОЛОТ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ ҲАМДА «ИҚТИДОРИ ТАЛАБАЛАРИНИ ДИСПУТ КЛУБИ» ТОМОНИДАН «КЕЛАЖАК СЕНИНГ ҚЎЛИНГДА» ЛОЙИҲАСИ ИШ БОШЛАДИ.

Ушбу лойиҳани амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад талабаларнинг назарий ва амалий билимларини янада такомиллаштиришлари ва имкон яратиш ҳамда ишлаб чиқариш билан ўқув жараёни ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда бошланғич ташкилот фаоллигини оширишдан иборатдир.

— Ушбу лойиҳа асосан уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда иқтисодиётдаги долзарб муаммолар бўйича ёш мутахассисларни жалб этган ҳолда семинарлар ташкил қилинади, — дейди бошланғич ташкилот кенгаши аъзоси, Халқаро туризм факультетининг 4-курс талабаси Хилола Махмудова. — Иккинчи босқичда муҳим иқтисодий объекталарга саяҳатлар уюштирилади, шунингдек, учинчи босқичда ишлаб чиқаришдаги етук мутахассислар ва тадбиркорларни жалб

Янги лойиҳа КЕЛАЖАК СЕНИНГ ҚЎЛИНГДА

этан ҳолда баҳс-мунозарага чорловчи конференциялар уюштирилади.

Яқинда «Келажак сенин그 қўлингда» лойиҳаси бўйича дастлабки семинар ўтказилди. Семинарнинг мавзуси «Банклардан кредит олиш асослари» деб номланган бўлиб, унда банк тизимидagi асосий муаммолар, жумладан, кредит ва кредитлашнинг асосий тушунчалари, тижорат банкларидан кредит олишнинг шартлари, кредит олиш учун бизнес-режани тузишдаги асосий муаммолар, шунингдек, халқаро кредит линияларидан самарали фойдаланиш каби мавзуларда машғулотлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг етакчи мутахассиси Рустам Бекчанов, «Пахтабанк» акциядорлик - тижорат банки бўлим бошлиғи Анвар Исмомхаммедов ҳамда Халқ банки департаменти директори ўринбосари Ўткир Мўйсалиев каби ёш иқтисодчи мутахассислар томонидан ўтказилган бундай машғулотлар ўзининг амалий ва таҳлилий маълу-

мотларга бойлиги, машғулот мавзуларидан келиб чиққан ҳолда муаммоларнинг аниқ ва тушунарли тарзда баён этилиши билан талабаларда катта таассурот қолдириди. Семинар якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Таъкидлаш ўринлики, бундай семинар талабаларнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олган ҳолда «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти томонидан биринчи марта ўтказилаётган бўлиб, унга ёш мутахассисларнинг таъкиф этилиши, машғулотларда фаол усуллардан фойдаланишга асосий эътибор қаратилганлиги ва энг асосийси, бошланғич ташкилот фаоллари, талабаларнинг ташаббус ва ташкилотчилиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бошланғич ташкилот томонидан амалга оширилган бундай ижобий тадбир талабалар орасида «Камолот» ЁИҲ мавқеининг кўтарилиши ва ёшларнинг «Камолот» атрофида янада жипсроқ бирлашишига имкон яратди.

зуида танлов ўтказилди.

Танловда 15 нафар талаба кизиқарли ва муаммоли мавзуларда маърузалар ўқидилар. Иштирокчилар томонидан тайёрланган, ҳар жиҳатдан мукамал ёзилган маърузалар Япониялик вакиллар томонидан қўриб чиқилди ва шу асосда голиблар аниқланди.

Бунга кўра университетнинг етакчи талабалари — Отабек Хасанов ҳамда Муқаддас Сафаровалар танловда голибликни кўлга киритдилар.

— Ўтказилган ушбу танловга узоқ тайёргарлик қриб,

Танловлар Сиз қонунни биласизми?

Ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга ҳар соҳада ўз ҳуқуқи ва бурчларини яхши англаб етишлариغا ёрдамлаш, жаҳмиётда инсон ҳуқуқи нима, унинг бурчлари нимадан иборат эканлигини тушунтириш ва улар онига сингдириш мақсадида «КАМОЛОТ» ЁИҲ ТУМАН БЎЛИМЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН ЭЪТИБОРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Кунги кеча «Камолот» ЁИҲ Яққасарой туман бўлими Кенгаши томонидан «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида бўлиб ўтган қўриқ-танлов ҳам айнан юқоридаги мақсадда ўтказилди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти академик лицейида бўлиб ўтган ушбу қўриқ-танловда тумандаги Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги лицей, Яққасарой енгил саноат касб-хунара коллежи, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти академик лицейи, Маийши хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежи талабалари иштирок этиши ва ўзаро беллашиши.

Таништирув, сардорлар баҳси, уйга вазифа каби шартлар асосида бўлиб ўтган танловда ҳар бир гуруҳ ўзининг ҳуқуқий билимини намойиш этишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, танлов мобайнида кўргазмали стендлар намойиши ҳам ўтказилиб, ҳар бир жамоа кўрак нишонларида изоҳ бериб ўтди.

Айниқса талабалар томонидан жиноятчилик кўчасига кириб қолган, гивандлик ва ичкилик-бозлик сингари салбий иллатларга дуч келган ёшларнинг ачинарли ҳолати саҳнавий томошаларда ажойиб тарзда ижро этилди.

Қизғин кечган танлов якунида голиблар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Озода РАҲМАТОВА

Япон тилида НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Халқимизда «тил билган, эл билар» деган мақол бежизга айтилмаган. Агар тилни қанчалик чуқурроқ ўргансанг, ўша халқ урф-одатлари-ю анъаналари, расм-русумларини яшаш тарзидан кенгроқ бохабар бўласан.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ҳам ҳозирда чет тилларни мукамал ўрганаётган ёшлар таҳсил олишмоқда. Яқинда ушбу университет халқаро журналистика факультетининг II, III ва IV босқич япон гуруҳи талабалари ўртасида «Япон тилида нотиқлик санъати» мав-

Айни пайтда илмга чанқоқ ёшларимиздан нечта тилни мукамал биласиз? — дея

сўрасангиз албатта уч ёки тўртта дея жавоб беришлари аниқ.

КАМОЛОТ



Тадбирлар

НАВОИЙ — МАЪНАВИЯТИМИЗ ДАҲОСИ

Ки ҳар ишни қилди одамизод, Тафаккур бирла билди одамизод.

А.Навоий

УЛУҒ МУТАФАККИР, СЎЗ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ БОЙ ВА БЕБАҲО МЕРОСИ АСРЛАР МОБАЙНИДА АЖДОДЛАРИМИЗ ВА ЁШ АВЛОДНИ ЭЗГУЛИККА, МЕҲР-МУРУВВАТГА, ИЛМ ОЛИШГА ҲАМДА ТИНЧЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИККА ДАЪВАТ ЭТИБ КЕЛМОҚДА.

Айтиш жоизки, Алишер Навоий сўз даҳолари орасида энг нодирларидан бири бўлиб, устози А.Жомийнинг таъбирича дин ва миллатнинг низоми даражасига етган шахс эди. Аллома ижодининг қайси бир қиррасини ўрганмайлик, унинг миллат борлиги ва тараққиёти йўлида буюк хизматлар қилганини англаймиз.

Айни кунларда буюк аллома таваллудининг 565 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Жумладан Тошкент шаҳар педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтида «Алишер Навоий — маънавиятимиз даҳоси» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда шахримиздаги мактабларнинг она тили ва адабиёт ўқитувчилари, олий ўқув юрталарнинг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар. Тадбирни шаҳар педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти ректори, педагогика фанлари доктори Хамидулла Йўлдошев кириш сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг «Алишер Навоий ижодида устозлар таърифи» мавзусида тўхталар экан Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг бўлим мудирини, педагогика фанлари номзодини, доцент Ақром Акмалов Навоийнинг устози Абдурахмон Жомийга бўлган муносабатларини очиб берди. Мазкур марказ бош мутахассиси Илхом Утанов «Навоий — маънавиятимиз даҳоси» мавзусида, Ўзбекистон Давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси доценти, Ўзбекистон халқ хофиси Махмуд Тожиев Навоий ижодининг тафсири ҳақида сўзлаб, шoir газаллари билан айтаётган мумтоз кўшиқлардан ижро этди.

Тадбирда шунингдек, Навоий газалларидан ёд олинди, аллома ижодида доир савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Кизиқарли ўтган мазкур маънавий-маърифий тадбир йиғилганлар қалбига хуш кайфият улашди.

Дилором ИКРОМОВА

САҲОВАТПЕШАЛИК ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҚАЛБ ДАЪВАТИМИЗГА АЙЛАНСИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида Меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси асосий эътиборни қариялар ва ногиронларни манзилли қўллаб-қувватлашга қаратмоқда. Ушбу тузилма томонидан 600 миллион сўмга тенг дам олиш уйларига бепул йўлланмалар ҳамда ортопедик мосламалар ажратилди. Ҳомийлар ёрдамида бошқарма тасарруфидagi учта муруват уйида таъмирлаш ва қурилиш ишлари ҳам давом эттирилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ҳам аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишлари асосий ўрин олган. Дастурда маҳалла ва бошқа жамоат тузилмалари учун хомийлик ишлари кенг жалб этиш борасида аниқ вазифалар белгиланиб, бу борада уларнинг ҳудудий ҳўжалик субъекти билан алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида урғу берилган. Таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисидаги Қарорида жорий йил вазифаларининг таъкиф этилишида жамоат ташкилотларининг ўрнига алоҳида эътибор қаратилган, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан хомийлик тадбирлари ташкил этилишида фаоллик кўрсатилиши ва шу асосда хомийликни оммавий ижтимоий ҳаракатга айлантириш ва кейинчалик бундай муносабатлар мамлакат ижтимоий ҳаётида ўзининг доимий ўрнига эга бўлишини таъминлашга қаратилган барча зарур шарт-шароитлар яратиш лозимлиги қайд этилган. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастуриндан ўрин олган асосий чора-тадбирлар саҳоватпеша ва химматли инсонлар маблағлари ҳисобига таъминланганини инобатга олган ҳолда айни пайтда «Ҳомийлик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Ушбу ҳужжатда нафақат хомийлик тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти аниқ белгиланиб, балки бу бегараз инсонпарварлик ҳаракатининг бевосита иштирокчиларга қонуний имтиёз ва қафолатлар берилиши ҳам ўз аксини топади.

Тошкент шаҳрида жорий йилда бевосита хомийлар ҳамда бюджет ҳисобидан 250 ўринли янги оилавий поликлиника қурилади (Шайхонтоҳур тумани), 14-болалар шифохонаси тўлиқ таъмирдан чиқарилади (Мирзо Улуғбек тумани), 95 ўринли шаҳар неврология марказидаги қурилиш ишлари якун топади (Юнусовод тумани). Мазкур учта объект республика дастурига киритилган бўлиб, молиялаштириш манбалари ҳам белгиланган, яъни хомийлар ва бюджет ҳисобидан 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланishi режалаштирилган. Жумладан, Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Шайхонтоҳур туманидаги оилавий поликлиника ягона хомий — «Муруват-нектис» кўша корхонаси ҳисобига бунёд этилмоқда. Ушбу корхона ўз зиммасига нафақат объектни қуриш, балки уни тўлиқ жиҳозлаш ҳамда атроф-ҳудудни ободонлаштириш ҳам олган. Бундан ташқари, ҳудудий дастурга кўра Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманларидagi 16 ва 55-оилавий поликлиникалар ҳамда 20 га яқин тиббий муассасалар қайта таъмирланди, ушбу мақсадларга 2,5 миллиард сўм ҳамда Япония давлати гранти ҳисобига 88 минг АҚШ доллари сарфланган.

Жорий йилнинг асосий вазифаларидан бири сифатида малакали шифокорлар, ҳамширалар ва санитарларнинг машаққатли меҳнати моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш назарда тутилмоқда. Дарҳақиқат, бундай меҳнат, албатта, тегишли равишда рағбатлантирилиши лозим. 2006 йилда маҳаллий бюджетдан соғлиқни сақлаш тизимига 44 миллиард сўм ажратилаётган бўлса, шундан 34 миллиард сўми тиббиёт ходимлари меҳнат ҳақини таъминлаш учун ажратилди. Бу ўтган йилгига нисбатан уч маротаба кўпдир. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида Мактаб таълимини ривожлантириш давлат Умуммиллий дастури таъкиф этилиши давом эттирилди. Республика дастурида ушбу мақсадларга Тошкент шаҳри учун аслида 7,5 миллиард сўм ажратилаётган бўлса, жорий йил мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳокимликлар ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча равишда 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Йиғилишида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб этиш, уларнинг аниқ ижросини таъминлаш юзасидан назорат олиб боришга урғу берилиб, бу борада махсус тўрта ишчи гуруҳлари ташкил этилгани ҳам таъкидлаб ўтилди. Туман ҳокимликлари, тегишли тузилмаларга республика ҳамда шаҳар ҳудудий дастурдан келиб чиққан ҳолда ўз ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш тавсия этилди. Бунда хомийлик ҳаракатини фаоллаштириш, хомийлик дея алаётган бегараз интиқилар ҳар бир кишининг қундалик ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратиш лозимлиги яна бир бор қайд этилди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Абдусайд Кўчимов узоқ йиллардан буён Республикамиз газета ва журналларида, радио ва телевиденида фаолият кўрсатиб келмоқда. Утган йилларда унинг «Балад тоғлар», «Халқа», «Қиёфа», «Умид дараклари» сингари ўндан ортиқ шеърӣ ва насрий китоблари чоп этилди. У Республикада хизмат кўрсатган журналист фахрий унвонига сазовор бўлган. Куйида адибнинг янги ижод намуналари билан танишасиз.



ХАЁТ — БУ СИНОВЛАР КОШОНАСИДИР

Абдусайд КўЧИМОВ ТОШКЕНТ

Кўп қадим кентларни қилдим зиёрат Хусну жамолига боқдим маҳлиё. Шаҳарлар ичида қалъаи талъат Тошкентдай қасрни кўрмадим асло — Суюгим — кўзларим қароги Тошкент, Буюгим — қалбимнинг чароги Тошкент!

Қудратли юртимнинг қуёшли тахти Шоён наврашию овозасисан. Улуғ Ватанимнинг қутлуғ пойтахти Шарқнинг маҳабатли дарёвасисан. Ўққидир қардошларинг саногу Тошкент, Шону шавакатиининг адоги Тошкент!

Самарқанд, Бухоро, Хевадек сен ҳам Гоҳ зулаб-яшнадинг, гоҳ бўғилдинг. Озодлик офтоби порлаган кундан Қайта бунёд бўлдинг, қайта туғилдинг. Меҳнаткаш кўллари қадоғим Тошкент, Дилбар орзуларим булогу Тошкент!

Тузинг еб тузлагинг булаган каслар. Хор бўлгай, бир тўғрам нонга зор бўлгай. Улар — тузонларда дайидган каслар Дўл урғай уларни, чакмоқлар урғай! — Нонқўрлар бўғизга қайроғим Тошкент, Дўстларга қучоғи қайноғим Тошкент!

Римдир у, Москвадир, Афина, Лондон, Барн бир-биридан муаззам, якто. Сен менинг уйимсан — азизсан жондан, Ўйдан айро яшаш мумкинми, илло — Онамнинг меҳрибон бармоғи Тошкент, Қалбимнинг меҳроби, ардоғи Тошкент!

Бир кун Сарбон бўлиб, бир кун Меъмор, Бахтинг деб қайғурар шероғи Юртбошим. Сен ҳали Заминга бўлаган тумор, Она-Сайёрамиз чакноқ кўёши — Истиқбол, иқболи порлоғим Тошкент, Бахт, Тинчлик, Мухаббат байроғи Тошкент!

Кўп қадим кентларни қилдим зиёрат. Хусну жамолига боқдим маҳлиё. Шаҳарлар ичида қалъаи талъат. Тошкентдай қасрни кўрмадим асло! Суюгим — кўзларим қароги Тошкент, Буюгим — қалбимнинг чароги Тошкент!

СОҒИНЧ

Бунча узун қиш оқшомаклири, Саҳарлари саҳродай ғариб. Изгиринли сўқир шомлари Наҳот излар титраб, титраниб-Тонлар, шомлар почор, телбавор Хайқиради: -Қайдасан, баҳор?

Чинни-ҳарир кўрпани ёниб Тўнлаб ётар сарҳовузда сув. Тушларида баргаклар тақаб Юзин силар мажнунтола-сулува-Муз остида чашмаи шилол Хайқиради: -Қайдасан, баҳор?

Ушиганми отлар туғи, Маърамаиди эчкилар, кўйлар. Кумуш қишининг кумуш байроғини Бошларига кўтарган уйлар-Беҳаловат, беором, бедор Хайқиради: -Қайдасан, баҳор?

Томоғидан тарнов-дорларга Сумалаклар осилган қатор. Киприги муз чорчиноларга Хазин, эзгин термуған ҳилол-Кўзларида соғинчи савол Хайқиради: -Қайдасан, баҳор?

Хайриятки, йил-ўн икки ой Қаҳратон қиш яккаш ҳужмрон, Музликлардан қидирмадим жойи, Музликларда томмадим мақом-«Шукур» дея такрор ва такрор

Хайқираман: — Қайдасан, баҳор?

Ердამисан, осмондамисан? Куйдамисан, дostonдамисан? Ўйдаман ё зиндондамисан? Жаннат олми бўстондамисан? -Сенга интиқ чархи кажрафтор Қайлардасан, Қайдасан, баҳор?

Шамолдай уч қайда бўласан ҳам, Эриб битсин қорли тузонлар. Ўнгирада яинасини кўктам, Сумалакка тўлсин қозонлар-Маст айласин юртинг иффоринг Келақолсин, дилбар-баҳорим.

ЭНДИ НИМА ДЕЙСИЗ?

Сен иймонни сотиб, виждонни сотиб, Дўст деган қадрдон инсонни сотиб,

Тутуриб садоқат, мухаббатига, Алқисса, етишдинг амал отига.

Ошиғинг олқидир, чаққон бозоринг, Чопқиллаб келмоқда аммо мазоринг.

Отинг илкис мункиб, қилчинг синди, Шотир-шотирчалар сотмоқда энди.

Хушомад ёздаги ёмғирдай тинди, Баайни ёмғирдай қумлоққа синди.

Энди баҳорларинг қулдир кузларга, Қулсан ўзинг каби виждонсизларга.

Тегиб, эзгилашиб оху додингни, Улар тортиб олди минган отингни.

Бошингда шўх-шондон уришар ханда Энди нима дейсан, эи нонқур банда?! ЭЪТИРОЗ

Қадим-қадимлардан қолган бу гаплар, Қадим-қадимлар бундоқ демиллар: Ширин-ширин сўзласанг азар, Илонлар инидан чиқар эмиллар. Азиз боболарим, бўлинг хотиржам, Мудом таъзимдамиз ҳур ақлингизга. Беадабчилик деб атасангиз ҳам Қўшиқим келмайди шул нақлингизга. Ахир, бобожонлар, илондай заҳил, Одамхўр одамлар камми оламда. Айтилган сўз ўқидир, келмайди қайтиб. Шамол у — бетизсин, бўйсунмас, ўжар, Бўрон у — ҳеч қачон бўлмас жилволаб. Ўзинг сақолмаган сирни эй, жиғар Ўзгалардан қандай қилурсан талаб?!

ОДИЙ ҲАҚИҚАТ

Атоқли арбобни заминга қўйдик... Энди керак эмас унга шараф-шон. Энди бемаънидир қувонч ва ҳадиқ Фарқи йўқ қиш надир, надир саратон. Кимнингдир қайғули кўзларида нам, Чўнқайиб паришон ер чизар кимдир. Кимдир олазарак, кимнинг боши ҳам, Уртада нафаси бўлган қабр. Нақадир қийиндир, нақадар азоб, Мозор бошида ҳам қилмаслик тавба. Тикилгани каби қазибга қазиб, Зимдан зугум қилса биров-бирова. Бу ерда жамул-жам қариндош, уруғ. Марҳумни ардоқлаб, қулдирганлар ҳам. Панадан тош отиб, юрагизга тиғ Санчиб, санчавериб ўлдирганлар ҳам. Энди тизу тошининг фарқи йўқ унга, Дўсту танимларга қолди барчаси Биз ҳам дуч келамиз бу ғамнок кунга, Бир кун ипилар дунё дарчаси... Ўзгаймиз мухаббат, нафрат захрини, Қоламыз бўсалар шавқин сезмайин. Ҳаётнинг шу оддий, ёвуз сехри Англаб, англолмаслик қанчалар қийин...

КЕРАКЛИ ОДАМ

Ўзбекистон радиосида узоқ йиллар бош директор бўлиб ишлаган Б.Ражабовга) Кимдир хонангизга бостириб, дангал Кирганда қизишиб, газаба тўлиб. Сиз даруду ҳолини тинглашдан аввал:

— Шу ерда тўхтаб ол, — дердингиз кулиб.

Шошилиб кирганлар қоларди шошиб, Довдираб боқарди кўзларингизга. Сиз эса дердингиз аста ёндошиб: — Мана энди сўзлаган, кулогим сизда.

Шод бўласанг, майлига, хайқирсин, лекин Жаҳлинг чиққанида шошилма зинҳор. Эшикни зарб билан очсанг ҳам, секин Хона ўртасида бир зум тўхтаб ол...

Бузғунчи оловга сепилгандек сув, Ўзганга тушгандек тўпаланг дарё. Оқшомга эсилиб ёввойи қий-чув Дилни эгалларди хижолат. Илло-

Ҳовлиқиб, қизишиб ҳуда-бехуда, Ўққотдим печа бор сергаклигимни. Шунда англаб етдим инсонга жуда Барно Ражабовлар кераклигини.

САВОЛ

Болам эри бўлсин, Бўлсин муттаҳам Дегувчи зотларни кўрмадик, бироқ Не учун гоҳида қинғир, шумқадам Кимсалар учрайди ҳаммадан кўпроқ.

—Бу дардинг давоси осондан-осон «Аҳзар!» деганлар тошини терсин. Шифосин қидирган ҳар битта инсон Саволини энг аввал ўзига берсин.

... ХУШНОМАДХҲҮРГА

—Одамзот ҳеч қачон бўлмас мукаммал Хушномадхўларни тикмасга гўрга! —Дўстим, бунинг учун ҳаммадан аввал Кафан тикши зарур хушномадхўрга.

ЧАПДАСТЛИК

Умрининг ҳар они сехри, мўбҳам Ҳаёт — бу синовлар қошонасидир. Шу л боис библи қўй чапдастлиқни ҳам Бу ҳам доноликнинг нишонасидир.

Қалтин ҳолатларда кулиб қўй секин, Ҳазил-ла чиқиб кет уруш-хуруждан. Бало-қазолардан асраши мумкин Библи, билмасликка олиб туриши ҳам.

НИЗО

Бўрига бўрию, шайтонга шайтон, Тулқига тулқилик қилгувчилар бор. Улар ҳам юрмас доим шодумон, Улар ҳам тўфонга бўлшар дучор.

Душманинг бўридир, тулқидир ёки Дўзахдан қувилган Шайтони лаъин. Тоғдай бўлса ҳамки унинг гуноҳи Ўзини пок қилиб кўрсатар доим.

Ки, ҳеч ким санамас ўзин айбдор, Фақат рақибига тилар жозалар. Хато бир тарафда бўлсайди азар Йиллаб чўлимасди айрим низолар.

СИР

Барча-барчамизга танишдир бу ҳол, Дўстлар орасидан излаймиз сирдош. Унга ишонмасмиз диддан, аҳтимола, Аммо сир сақлашга етмайди бардош. Тилимиз қичибми, ичимиз қизиб, Унга жами сирни берамиз айтиб. Сўнгра ўтиралими ўчинан, ер қизиб, Айтилган сўз ўқидир, келмайди қайтиб. Шамол у — бетизсин, бўйсунмас, ўжар, Бўрон у — ҳеч қачон бўлмас жилволаб. Ўзинг сақолмаган сирни эй, жиғар Ўзгалардан қандай қилурсан талаб?!

ТИШ ДОКТОРИ ШЕРАЛИГА

(ҳазил)

— Тиш қайроғичлардан юрагим зада Ҳажимокқа шайдир улар доимо. Уларнинг дастидан базми-базмида Қафасдай кўринар кўзимга дунё.

— Қайралган тишларга етмай кучингиз, Қўлда амбур билан турсангиз почор. Қай тошга урайлик бошимизни биз, Кимга мадад сўраб бораёлик, доктор?!

« УСТОЗМАН» ДЕБ...

Жажжи парводалар итилар нурга, Қўёшга бош эгар қунабобқарлар. Гулар таъзим қилар муқаддас ерга, Дарёга югурар эриган қорлар.

Митти парвонадек, қунабобқардек Меҳрибон қучоққа талипинамиз биз. Уларга бошимиз гулардек эгик, Уларга таъзимму эхтиромимиз.

Битта ҳарф таниган, йўл кўрсатган зот Биз учун устоздир мўбтабар, якто. Айрим кимсалар бор — эзгу-ҳисса ёт Аммо «устозман» деб қилар дўқ-даво.

Ушингни эғаллаб олиши мумкин Иzzат-хурматини қилиб турсанг жим. Ҳаммани «шогирд» дер, бу зотни лекин Муаллим, устоз деб атамас ҳеч ким.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

ТОШКЕНТДА «НАРКОТИК ВОСИТАЛАР, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА ПРЕКУРСОРЛАРНИ НОҚОНУНИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, АЙЛАНТИРИШ, ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШНИ НАЗОРАТ ЭТИШ СОҲАСИДА ЎЗАРО АНГЛАШУВ ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МЕМОРАНДУМ»ГА ҚўШИЛГАН ДАВЛАТЛАРДАГИ НАРКОТИК МОДДАЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда кўп қадим кентларни қилдим зиёрат. Хусну жамолига боқдим маҳлиё. Шаҳарлар ичида қалъаи талъат. Тошкентдай қасрни кўрмадим асло! Суюгим — кўзларим қароги Тошкент, Буюгим — қалбимнинг чароги Тошкент!

Унда кўп қадим кентларни қилдим зиёрат. Хусну жамолига боқдим маҳлиё. Шаҳарлар ичида қалъаи талъат. Тошкентдай қасрни кўрмадим асло! Суюгим — кўзларим қароги Тошкент, Буюгим — қалбимнинг чароги Тошкент!

Унда кўп қадим кентларни қилдим зиёрат. Хусну жамолига боқдим маҳлиё. Шаҳарлар ичида қалъаи талъат. Тошкентдай қасрни кўрмадим асло! Суюгим — кўзларим қароги Тошкент, Буюгим — қалбимнинг чароги Тошкент!

Унда кўп қадим кентларни қилдим зиёрат. Хусну жамолига боқдим маҳлиё. Шаҳарлар ичида қалъаи талъат. Тошкентдай қасрни кўрмадим асло! Суюгим — кўзларим қароги Тошкент, Буюгим — қалбимнинг чароги Тошкент!

(Охири. Боши ўтган сонларда.)

Мирзо Абдулатиф амир Маҳмуд Ёнтуқ, Султон Жунайд, Султон Юсуф, амир Имомил Суфи тархон каби ота ва ўғил ўртасидаги қарама-қаршилик вақтида ўғилнинг тарафида туриб турли-туман жонсипорликлар кўрсатган бир гуруҳ б а р л о с ва т а р х о н а м и р л а р н и н г ў з х о ма ж л и с и г а ч а қ и р и б барчасини қатлга етказди. Сабоби, мазкур амирлар Самарқанд фатҳ қилинган кун амир Султоншоҳ барлос ва унинг ўғли амир Жалолуддин Мухаммадга улар мирзо Абдулатиф ҳузурига келатган вақтида оғир заҳмлар етказишган ҳамда амир Султоншоҳ охират йўлига равона бўлиб, ўғли ҳам икки-уч кундан кейин отасининг йўлини тутган эди. Байт:

Жахон ўзининг барча зеб-зийнатлари билан, Ўзининг мана шундай ранж-машақатлари олдида ҳеч бўлиб кўринади.

Шу билан бирга мазкур қатл этилган амирлар ўз хотирларида мирзо Абдулатифга нисбатан ҳам душманлик андишасига эга эдилар.

Шундай қилиб мирзо Абдулатиф барча жиҳатдан хотир-жам бўлган ва унинг хотири ойнасида аксланган ҳар бир сурат энг яхши тарзда юз кўрсатди.

Шу ерга келганда қаламнинг ҳар турли рақамлар билан баён майдонида жавлон урувчи тулпори мирзо Улғубек фазилатларининг бегобн биёбонидан бир неча варақ устидан йўргалаб ўтишга жазм қилди. Мирзо Улғубек билим тармоқлари бўйича мағруф бир подшоҳ, хилма-хил сифатлар билан донг таратган бир султон эди. Салтанат қ а б о с и унинг давлати қомаტიга мослаб тикилган, мамлакат чеқкалари унинг адолат нурлари билан ёришган эди. У ўз сезгир табиатининг қуввати туфайли турли-туман фанлар ҳам хилма-хил илмлари фаҳмлаб билиб олар ва ўткир зеҳни туфайли м а о н и й и л м и х а қ и қ а т л а р и н и х а м б а ё н и л м и н о з и к л и қ л а r н и н и о ч и б и х т и р о қ и л а r , э р т а т о н г д а н т о к е ч киргунча тил тиги билан мамлакат манфаатларига оид ишлар эшикларни очар ва кун ботганидан то тонг отгунча химмат денгизидан қимматбаҳо дурларни чиқарар эди. Шу тарзда у хикмат илмининг назарий ва амалий қисмларини бутунлай эғаллаб ўзлаштирган, р и ё з и й и л м л a r н и н г турлари унинг нури замиридан болкиди. Бу соҳада у етук камол ҳосил қилган ва асбобларни шайлагач, р а с а д и ш л а б ч и қ и ш в а з и ж тузишга майл кўрсади, р и ё з и й в а х и к а м и й и л м l a r буйича аср мўъжизакорию, даҳр нодинаси бўлган Аторуддек зуқко ва "Мажазий" очибла-диган бир гуруҳ муҳандислари ҳозир қилди. Расад ҳақидаги тафсилот ва з и ж тузилганлиги шарҳи сақиз юз йигирма учинчи /1420/ йил воқеалари орасида ёзиб ўтилди, шунинг учун бу ерда қайтарилмади.

Қисқаси, мирзо Абдулатиф ана шундай бир отани қатл қилишга қўл урди, бутун жаҳонда бадном бўлиб қолиши

Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ «МАТЛАЪ-И САЪДАЙН ВА МАЖМАЪ-И БАҲРАЙН» АСАРДАН БОБЛАР

ҳақида ўйламади. Бу қатл воқеаси рамазон ойида /18 октябрь-16 ноябрь 1449/ содир бўлди.

САККИЗ ЮЗ ЭЛЛИК ТЎРТИНЧИ (1450) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ. МОВАРОУННАХР МАМЛАКАТИ АҲВОЛИ. МИРЗО АБДУЛАТИФНИНГ ҚАТЛ ЭТИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Мирзо Абдулатифнинг Мовароуннахр мамлакатларида подшоҳ бўлиб олганлиги воқеаси юқорида арз шарафини топан эди. У қарийб олти ой давомида мурод тулпориға миниб, салтанат майдонида жавлон урди ва халифларга мутобиат қилиб, шаҳсан ўзи жумъа кун хутбани адо этишга киришди; р а и й т т а н и с б а т а н тўла риоят билан қаради. Бироқ Самарқанднинг барча амирлари ва ақобидлари унинг сўзи ва қилмишини маъруҳ ва афғор эдилар. Чунки у қариларни ҳурмат қилмас, ёшларга марҳамат кўрсатишни гуноҳ деб билар эди. Шунинг учун хол тили бизнинг улугларимизни тақдирламас ва кичикларимизга раҳм қилмас, у бизнинг қишимиз эмас, деган мазмуни билан у фарҳунда дивёрнинг қаттаю қичгининг заминию дили чўқурлигидан тилга кирди.

Мирзо Абдулатиф бағоят мутақаббир ва жаббор, ёвуз ва қаҳрли эди; унинг милоки устидан галаба қилган ўта сиб-сталилик ва бераҳимлилик туфайли ҳар қанчалик оғир кен-миш воқе бўлмасин, уни арз қилишга ҳеч кимнинг ҳадди йўқ эди. Бу варақларни ёзиб тўловчи Абдураззоқ ўз сўзига тўла жавоб бера оладиган ишонли бир кишининг гапини келтиради: "У /Абдулатифни қатл қилиш тадбири бораида мажлислар тузилган кунларда мен унга шу қадар яқин маҳрам эдимки, бу сўзни унга айта олар эдим, аммо менга ҳам газаб қилиб ва ўлдириб қўйиши мумкинлигидан қўрққанлигим учун арз ерига етказмадим". Қайси бир подшоҳ агар тундхўй ва тор фель экан, кишилар унинг газабидан қўрқинча, қаҳридан ваҳимага тушиб қоладилар. Шунда ҳар қандай мулк қасрига қўп халалар йўл топади, дин ва давлат қонун-қоидаларига катта зарарлар етади. Шундай қилиб, мазкур феъл-аъвор ва қилмишлари туфайли қаттаю қичкининг хотиру замирлари бир варақай мирзо Абдулатифдан тескари ўғирилди ҳамда турку тозик бир-бирлари билан келишишиб, сўхбатлар ташкил қилиб, режалар туздилар ва охири иқбол кўрваси ҳам у дивёр салтанатини мирзо Султон Абдуллоҳ номига қарор қилдилар ҳамда бузоқ ниётлилардан бир нечасини ҳар ердаки фурсатни қулай топсалар, чора қўришга тайинладилар. Шундай қилиб, рабиъ ал-аввал ойининг йигирма олтинчи кун кечаси /9 май 1450/ бадфурсатлар фурсат топишиб хоинлик ўқини жафо камонидан бўшатдилар, биринчи урган ўқларининг ўзиёқ қазо ўқидек қор қилди. Ҳеч қандай қуролга эга бўлмаган, шахзоданин ўзидек суикасдан беҳабар бир гуруҳ мулозимлар бу ҳолни кўргач, жон олувчи ўқ ва қон тўқувчи тиг қўрқинчидан парিশон бўлиб тарқалиб кетдилар. У беқибат гуруҳ эса шахзоданин бошини аёвсиз тиг билан танасидан жудо қилдилар, нозанин танни эса хор-зорликлар билан халокат тулпроғига итқидилар, унинг фаридун тожига ҳам эғилмайдиغان бошини Мирзо Улғубек мадрасасининг пештоқидан осиб қўйдилар ҳамда у дивёр шаҳарларда минглаб фитнаю фасод қўзғатдилар. Мирзо Абдулатиф э ёмон қилмиши сазасини тортди ва ўз отаси ва биродарига нисбатан нима қилган бўлса, ўшанга етишди. Мисраб:

Ҳар ким ўз экан уругидан ҳосил олади. Шеруя ўз отаси Хусрав Парвизни ўлдириб, етти ойдан кейин ўзи ҳам қолмаганидек ва Мунтазам Аббосий ўз отаси Мутавакқулни қатл қилишда турклар билан ҳамкорлик қилиб, ўзи шу Абдулатиф умрини топганидек, мирзо Абдулатиф ҳам олти ой давомида подшолик қилиб, сўнг қатлга етди. Хайф у ўғилларгаки, ўз оталарини қатл қилишга журъат этдилар ва то жаҳон бор экан, бу ёвуз қилмишлари билан ўз номларини боқий қолдирдилар. Байт:

Падаркуш подшоҳлигга муносиб одам эмас, Чунки унинг подшоҳлиги олти ойдан ўтмайди. Шахзодани Бобо Хўсайн номли киши қатлга етказган эди, у воқеа тарихи учун ушбу байтни айтганлар:

Уни жумъа кечаси Бобо Хўсайн тиг билан ўлдирган эди. Қатл этилиш тарихи ҳам "Бобо Хўсайн қушт" /"Бобо Хўсайн ўлдирди"/ тушди.

Мирзо Абдулатиф сершиқоатлик билан танилган, лутф-эҳсонликда маъруф, гоёт ўткир зеҳни ва зийрак фаҳми турли билимлардан баҳраманд ва ҳар хил илмларда машҳур бир подшоҳ эди; у уламолар билан сўхбат тузар ва улардан олган фойдани хотири лавҳасига чизиб борар эди, тарих, шеър ва нуҷум фанини билар, диний масалалар ва йақинийи далиллари бўйича ўринли баҳс этиблар, Оллоҳ аҳли - авлиёлар мулозиматиға майл кўргизар ва улар билан сўхбатда бўлганда эътимод қўйиб, эҳтиром кўргазар эди.

Форсчадан Асомиддин ўРИБНОВ таржимаси

Шарқ дурдоналари

ОЗ ОЗ ЎЛГАНИБ ДОМО БУЛАД...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Зўр бирла хушбахтлик ҳосил бўлмас.

Сидқий ХОНДОЙЛИҚИЙ

Ёзда дангасага: «Эшикни оч!» десанг, «Ташкари совуқ», дейди. Бошини фақат ўз тирноқларинг билангина қаший оласан.

«ОТАЛАР СЎЗИ»

Жаҳонда ниш кўрмай, нўш бўлмас, Муродин топмайин ошиқ қувонмас.

МАЖЛИСИЙ

ҲИКОЯТ. Айтишларича, бир ялқов қизни ўзидан ҳам ялқовроқ йигитга турмушга бердилар. Отаси қизига қараб деди: «Мана бу юмшоқ кўрпалар ва жиҳозлардан роҳатланиб фойдаланиб олинглар, имоним қомилки, сизлар юз йил турсаларингиз ҳам камбағалликдан ўзга нарса тугдира олмайсизлар!»

«ФАВОҚИХ АЛ-ЖУЛАСО»

Вактни бекор ўтказиш аҳмоқликдир.

Бекор юргандан кўра душманга тош ташиган афзал.

«ОТАЛАР СЎЗИ»

Ҳар қимки дахр шоҳлигин айлади ҳавас, Бордур насиб гуссаи фикри жаҳон анго.

ОГАҲИЙ

Эринчоқлик ва ялқовлик кишини яхши ишлар қилишдан қайтаради, ғайратни йўқотади, касбу кор билан шуғулланишдан қолдиради. Баъзи дангаса кишилар ғайрат қилиш ва ҳаракатни қучайтириш ўрнига оғир кунга тушиб қолганда қўлни қовуштириб, айбни тақдирга тўнқайдилар.

«ФАВОҚИХ АЛ-ЖУЛАСО»

Заҳматни машшота чекади, аммо лаззатни қувёт тортади. Кўнгли балиқ тусаганинг оёғи совуқ сувда бўлади. Кўп ётадиган одамнинг умрида барака кам бўлади. Кўп ётган оз яшайди. Кечаси шароб ичиб, кундузи ухладдан хонумон барбод бўлади.

«ОТАЛАР СЎЗИ»

Булбул чекадур хазор нола, Гул ёнича чунки хор бордир.

Хофиз ХОРАЗМИЙ

Ҳақимлар тайинлаб айтадиларки, ялқов кишилар билан улфат бўлишдан қочиш зарур. Чунки улардан маслаҳат сўралса, улар ўзларининг ялқовлик нуқтани назаридан маслаҳат берадилар. Улар бўладиган ишни ҳам ўзларининг қувват ва идроки тақозоси билан бўлмайдиёқ чикарадилар, кишини ғайрат қўчасидан четта чикарадилар.

«ФАВОҚИХ АЛ-ЖУЛАСО»

Ки занбур қошонасин эт ватан,

Даҳонингни доим шакар айламыш.

УВАЙСИЙ

Минг йил подшолик қилди-ю Заҳҳок,

«Ёмон» деган номи қолди жаҳонда.

Кисро давлатидан асар йўқ, биروق,

«Одил» деган номи тақдор ҳар онда!

Мажидиддин ХАВОФИЙ

Дилозорларнинг ҳаммаси дўзага маҳкумдир.

ҲАДИС

Нотинч кўнгилга ширин уйку келмайди.

Тинч яшашни истасанг, паекташ одам билан

душманчилик қилма,

Молу пулинг кетса кетсин, аммо вақтинги зое

кеткизма.

Тозалик саломатлиқнинг энг биринчи сабаби ва иллатлардан қутулишнинг улуғ йўлидир.

Тозалик Баданнинг қувватини кўпайтиради ва гўзаллигига гўзаллик қўшади.

Гўзал юз кўз нуруни оширади.

Ўзувига бокма, ёзганига бок,

Тунқоқдан кўра улкан неъмат бўлмайди.

Минҳўлиги кам одамнинг умри узок бўлади.

Саломатликдан кўра яхшироқ бойлик йўқ.

Бели яра отнинг бошига тушган иш соғлом отга осон

кўрилади.

Ғамлардан, дардлардан овоз ҳар юрак,

Ўзганинг дардини қандайин билсин?!
Тинч бўлай десанг, нафсинг хоҳишига қарама-қарши

иш қил.

Саломатлиқнинг қадри кетгандан сўнг билинади.

Уйкуга кетиш жонни нафас хатарга топширишдир.

Чунки уйку ўлим элчиси.

«ОТАЛАР СЎЗИ»

Гар қўямасанг бу олам аро нақўномлик,

Олтунга сут топмагунг отингни қоктириб.

Комил ХОРАЗМИЙ

ҲИКОЯТ. Ҳақиқий кўз эгаси шундай кишики, ўз феъл ва сўзига ҳақиқат танбеҳ назари билан қарайди. Доно юрак эгаси шундай кишики, дунё саройида яхши ишлар орқали маломатта қолмайдиган яхши номга эга бўлиб

қетади.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Кўрлик тўнинг ўзинга,

Тотлиғ ошинг ўзинга.

Кўноққа кўргиз иззат,

Ёйсини шаънинг узокқа.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Йигит бўлса-ю, ундан ҳеч қимса оз бўлса-да бир фойда кўрмаса, уни йигит деб бўлмайди. Агар кишидан дунёда бирор ёдгорлик қолмаса, уни одам ҳисоблаш нораводир. Агар инсондин дунёда бирорта китоб ёки иморат қолса, у тириклар қатори йўқланган ва ундай киши ўлик, деб ҳисобланмайди.

«ФАВОҚИХ АЛ-ЖУЛАСО»

Кўр бўл, шол бўл, ном қолдир,

Яхши ном қозониш улкан бойлик топишдан афзал.

«ОТАЛАР СЎЗИ»

Анушервон бир кун юнондан:

— Энг яхши яшаш қандай яшаш? — деб сўради.

— Саломат бўлиш ва хотиржам яшаш энг яхши яшаш,

— деб жавоб берди у ва давом этиб деди: — Аммо яхши

ном қолдириш абадий яшашдир!

«ЖОВИДНО ХИРАД»

Кимки одамлар орасини бузиб юрвони бўлса, у ҳам ахли исломдан эмас.

ҲАДИС

Маҳмуд ХАСАНИЙ,

Ҳамиджон ХОМИДИЙ

тайёрлаган

17-шаҳар клиник шифохонаси жамоаси шифохона бош шифокори

Бахтиёр Рустамович АБДУЛЛАЕВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва

яқинларига чўқур таъзия изҳор қилади.

2006 — Хомийлар ва шифокорлар йили

ЮРАГИМИНИ БЕРАМАН БОЛАЛАРГА

ЕТТИ ЁШГА ТЎЛГАН ЎГЛИНИ ДОНИШМАНД ҲУЗУРИГА ЕТАКЛАБ КЕЛГАН ОТА: «ФАРЗАНДИМИНИ СИЗНИНГ ТАРБИЯНИГИЗГА БЕРМОҚЧИМАН ЁКИ ХАЛИ ЭРТАМИ?» — ДЕБ СЎРАБДИ. ДОНИШМАНД: «АФСУС, ЎГЛИНИГИНИ ТАРБИЯЛАШДА ЕТТИ ЙИЛГА КЕЧИКИБСИЗ», — ДЕЯ ЖАВОБ ҚИЛИБДИ.

Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси юрт келажиги билан боғлиқдир. Аммо сир эмаски, ота-онанинг, қолаверса ҳар бир инсоннинг бу масалага жиддий эътибор бермаслиги ачинарли оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин.

Мамлакатимиз Президентининг бу борада мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртиларида — барча-барча таълим масканларида таҳсил олаётган ёшларга алоҳида эътибор қаратаётгани бежис эмас, албатта. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўсиб келаётган авлод — бу эртанинг кунимиз, келажакимиздир.

Бундай юксак ғамхўрликнинг натижаси ўлароқ жойларда мислсиз ижобий ўзгаришлар юзага келаётганига барчамиз шохидимиз. Шу ўринда соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимидаги Меҳрибонлик уйларида тарбия олаётган фарзандларимизга ҳам момолари ва энгагалари қаторида кўплаб саховатпеша инсонлар томонидан ғамхўрлик кўрсатилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Жумладан, шахримиздаги 23-Меҳрибонлик уйида кейинги пайтда катта ҳажмдаги қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари олиб борилётгани ва бу хайр-ли ишларга ҳозирга қадар хомийларнинг 130 миллион сўмга яқин маблағлари сарфлангани фикримиз далилидир.

Ушбу Меҳрибонлик уйида тарбияла-

наётган уч ёшдан ўн икки ёшгача бўлган 113 нафар боланинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратилади, десак муболага бўлмайди. Бу ерда шунчаки уй шароити эмас, балки имкон даражасида оилавий муҳит ҳам яратишга ҳаракат қилинган бўлиб, хусусан болажонларнинг билим олиши, маънавий-маданий ҳордиқ чикариши учун барча шарт-шароитлар мужассамланган.

— Маълумки, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим бериш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона таълим мажмуи ҳисобланади ва бунда таълим тизими ҳар бир бўғинининг алоҳида ўрни бор. Дастурнинг тўлиқ ва самарали татбиқ этилиши ана шу бўғинларнинг ўзаро уйғунаётган ривожланишига боғлиқдир. Демокримизки, бу борада ҳар бир болажоннинг, унинг қайси шароитда яшашидан қатъи назар, барча таълим жараёнларида бевосита иштирок этиши таъминланиши керак. Хусусан, бугунги кунда Меҳрибонлик уйларидаги фарзандларимиз ҳам бундан мустасно эмасдир, — деб гап бошлади юқоридаги фикрларимизни давом эттирган ҳолда 23-Меҳрибонлик уйи директори Светлана Илёсова. — Бизда ўқиш машғулотлари ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Болаларимиз шу атрофдаги мактабларга қатнаб дарс олади. Иқти-



дорли ўғил-қизларимизни эса махсус гимназияларга олиб борамиз. Мусика, спорт, тўқиш, тикиш, компьютер, тил ўрганиш тўғрисидаги мажмуи мажмуи Бундан ташқари, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ва Қизил Ярим Ой жамияти билан ҳамкорликда фарзандларимиз учун аниқ фанлар бўйича ёлланма репетиторлар кўмағида кўшимча дарс соатлари ҳам ўтилади. Ўтган йили хомийлар томонидан дам олиш ва гимнастика заллари, турли тўғрақ хоналари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Фарзандларимиз учун барча қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Яқинда Меҳрибонлик уйларида республика миқёсида ўтказилган «Юрагимини бераман болаларимизга» кўрик-танловида бизнинг муассасамиз иккинчи ўринни эгаллагани эса бу борада бизга берилган муносиб баҳо десам адашмайман...

— Президентимиз томонидан жорий йилнинг Хомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинганлиги бизни янада қувонтирди. — сўзида давом этади муассаса раҳбари. — Чунки ўтган йили бошлаб охирига етказа олмаган ишларимизни давом эттиришга имконият яратилди. Режаларимиз бисёр. Ният қиламизки, болалар майдончасини тубдан таъмирлаш ишларида, эҳтиёж учун «Дамас» русумли автомашина олишда меҳр-саховатли инсонлар топилади...

Ҳар бир фарзанд ота-онаси бағрида, уларнинг меҳри билан ўсиб-ўлгайсин, таълим олиб келажақда жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлсин, дея дую қилади кексаларимиз. Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болажонларимиз ота-она бағридан йироқ бўлсаларда, аммо давлатимизнинг ғамхўрлик қароридан остида уларнинг етук инсон бўлиб етишларига ишончимиз қомил.

Шахло ХОШИМОВА

Футбол

АШУРМАТОВ САҒҒА ҚАЙТДИ

МАЪЛУМКИ, ВАЛЕРИЙ НЕПОМНЯШИЙ БОШ МУРАБИЙЛИГИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАРИ 22 ФЕВРАЛДА «ПАХТАКОР» МАРКАЗИ СТАДИНИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ БИРИНЧИ УЧРАШУВИДА БАНГЛАДЕШЛИК ЧАРМ ТЎП УСТАЛАРИГА ҚАРШИ МАЙДОНГА ТУШИШАДИ.

Ушбу беллашувга жиддий ҳозирлик кўраётган Валерий Непомняший шоғирдлари 12 февраль кунини ўқув-машғулот йиғинларини маромига етказиш мақсадида БААга жўнаб кетишди. Эътиборли жиҳати шундаки, бош мурабий бангладешликларга қарши майдонга тушиши мумкин бўлган 25 нафар футболчи рўйхатини эълон қилди. Шуниси аҳамиятлики, ушбу рўйхатдан ўрин олган легионер футболчилар орасида Москвадан ЦСҚА жамоаси аъзоси Виталий Денисов ҳам бор. Эслайтиб ўтамиз, Виталий биринчи марта терма жамоа таркибига киритилган. Дароқе, ўтган йилги мавсумда жароҳати тўғрисида майдонга туша олмаган моҳир ҳимоячи Бахтиёр Ашурматов яна терма жамоамиз сафига қўшилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Хар тўғрида

ХИЗМАТ БУРЧИГА САДОҚАТ

ДАЛЛАС ПОЛИЦИЯСИНИНГ ЯНГИ БОШЛИГИ МАК ВАЙНСНИНГ ЎЗ ҚЎЛИ ОСТИДАГИ БЎЛИНМА НАҚАДАР САМАРАЛИ ИШЛАШИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИШ УЧУН АТИГИ БИР КҮН КИФОЯ БЎЛДИ, ХОЛОС. ТЎҒРИ, БУНИНГ УЧУН УНГА ЎЗ ҲАМНИДАН ЎН Беш ДОЛЛАР ЖАРИМА ТЎЛАШИГА ТЎҒРИ КЕЛДИ.

У эрта билан янги иш жойига келиб, «Мерседес» машинасини полиция участкасига яқин ерда қолдирганди. Орадан бир неча минут ўтар-ўтмас машинанинг олд ойнасида «рухсат этилмаган ерда машина қолдирилгани учун» жарима тўлаш зарурлиги ҳақидаги хабарнома осигилқ туларди. Афсуски, АП агентлиги регулаторкачиси машинанинг кимники эканини ҳабардор бўлгани-йўқми — буни маълум қилмайди. Вайнс ўз қўли остидаги полициячини вазифасини виждонан адо этгани учун тақдирлагани-йўқми буниси ҳам маълум эмас.

ХАВҒЛИ «МЕҲМОН»

ПОЙТАХТНИНГ ШАҲАР ҲУДУДЛАРИДАН БИРИДА ИСТИҚОМАТ КИЎЛҮБИ АҲОЛИНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТ МАРОМИНИ КУТИЛМАГАН «МЕҲМОН» — ЧАЁН БИР ЗУМДА ИЗДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРДИ. УНИ ГУЛДАСТА САРАЛАБ ОЛМОҚЧИ БЎЛГАН ЎТКИНЧИЛАРДАН БИРИ

эсингдами?

— Ҳа, албатта.

— Ана кўрдимми, балиқ бўлса, буни албатта унутиб юборган.

— Нега хотининг ашула бошлаши билан балқонга чиқиб оласан?

— Одамлар мени хотинини урпяти деб ўйламаслиги учун шунча қиламан-да, дўстим.

Бир одамникига келган меҳмон роса сурбет экан — бир ҳафта туриб қолди. Охири, уй эгаси унга шаъма қилишга мажбур бўлди:

— Меҳмон, бола-чақаларни ҳам роса соғингандирсиз-а?

— Нимасини айтасиз! Эртага ҳаммасини бу ерга чакирмоқчиман.

Кекса хоним бир уйни ижарага оляпти.

— Умид қиламанки, — деб мурожаат қилади хоним уй эгасига, — бу яқин ўртада ит бўлмаса керак.

— Йўқ, хоним, — деб уни тинчлантиради уй эгаси, — хотирингиз ҳам бўлаверсин.

— Жуда соз-да. Аввалги турган жойимда овчарка бор эди. Тасаввур қиласизми, бу менинг бешта лайчамни нечоғлик безовта қилганди.

Хонбиби МАҲАМОВА тайёрлаган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки 2006 йил 10 февралдан бошлаб Тошкент цирки манежида «ЙИРТКИЧЛАР АТТРАКЦИОНИ»

Дастурда:

Бенгал йўлбарслари, Африка шерлари, Гамадрилья маймунлари, Ҳимолай айиқлари, ўргатилган пакана отлар ва кўпгина бошқа ҳайвонлар иштирок этади!!!

Томоша қилишга шошилинг!


Томошалар: жума кунлари 18.00, шанба ва якшанба кунлари 12.00, 15.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан очил.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.



Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г-406

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5218 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрийт-матбаа ахборотлик компанияси босмоқчоса. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.